Ҳар бир инсон аёл ва эркак бўлишидан қатъий назар доимо гўзал ва чиройли бўлиб юришларини ҳоҳлайди. Инсоннинг юз териси уларнинг ички органларининг кўзгуси ҳисобланади. Инсоннинг юзи, унинг организмининг соғломлиги ёки бетоблигини яққол билдиради. Инсоннинг юзи бош мияга яқин бўлганлиги сабабли, унинг терисидаги ҳаво олиш найчалари орқали юз териси тагида жойлашган капиляр қон томирлари орқали бош мияга тоза, кислородга бой қонларни етказиб беради. Шунинг учун одамлар чарчоқ вақтида юзини ювиб олса, дарҳол ўзини енгил ҳис қилади.

Фаслларнинг алмашинуви, табиатдаги барча ўсимликлар ва жонзодлар каби, инсонлар организмида ҳам ўз таъсирини билдирмай қолмайди албатта. Ташқи муҳит, фасл ўзгариши,асаб бузилиши ва ички органларнинг шамоллаши ёки нотўғри овқатланишлари сабабли, инсон юзига ёки бадан терисига асоратларни чиқариб беради ва улар бунга тез эътибор бериб, касаликларнинг олдини олиш учун белги билдиради.

Юзимизнинг гўзаллигини ва соғломлигини сақлаб қолиш учун албатта, унга ўзимизнинг вақтимизни ажратиб, уни даъволаб ва парвариш қилиб туришимиз зарур. Ишдан хориб келган инсон, албатта озгина дам олиш учун асосий вақтини ажратади. Шу билан бирга юзни парвариш килиш учун ҳам вақт ажратсалар ўзларини ажойиб ҳис қиладилар.

Мен малакали врач-дерматолог, косметолог сифатида ватандошларимга озгина бўлса ҳам фойдали маслаҳатимни бериб, уларнинг доимо гўзал бўлиб юришларини жуда ҳоҳлайман. Айниқса, ҳозирги куз фаслида дарахтларнинг барглари сарғайиб тўкила бошланиши билан инсонларнинг юз териси қуриб шўрланиб, юз терисси дағаллашиб ажинлар кўпайиб боради.

Бу асоратларни олдини олиш учун, биринчи навбатда, албатта косметологларга мурожаат қилиб, юзни терисси ва ундаги қон томирлар тоза ҳаво олиши учун найчасимон клапанларни махсус тайёрланган фойдали доривор ўсимликлардан тайёрланган суюқликлар билан тозалаб ташлаш зарур ва уни керакли моддалар билан таъминлашни маслаҳат бераман. Аёлларимизнинг деярли кўпчиллигини вақтлари ишда ўтиши, косметологларга боришлари учун вақтлари ёки имкониятлари камлиги сабабли уй шароитида даъволовчи юз ниқоблари тайёрлаб ўзларига қарашлари мумкин. Шунинг учун уй шароитида қуруқ юзлар учун бир нечта юзни терисини даъволаш малҳамлари тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усулларини маслаҳат бераман. Албатта, бу муложаларни бажаришдан олдин мендан телефон орқали озгина маслаҳат олиб малҳамлардан фойдаланишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки ҳар бир инсоннинг юз терисси ҳар хил бўлганлиги сабабли, уларга индивидуал малҳамлардан фойдаланишни маслаҳат берар эдим.

Қуруқ юз терилар учун уй шароитида тайёрлаш мумкин бўлган малҳамлар:

1. Тухумли малҳам. Бир дона тухум, бир қошиқ асал ва бир қошиқ творогни яхшилаб аралаштириб, унга 3-4 томчи тоза ўсимлик ёғи қўшиб малҳам тайёрланади. Ушбу малҳамни тоза ювилган юзга ниқоб этиб сурилиб, 15 дақика ушлаб турилади ва кейин илиқ сувда юз ювиб ташланади.

2. Картошкали малҳам. Бир дона картошка қирғичдан ўтказилиб, бир қошиқ майонез билан яхшилаб аралаштирилади. Бу малҳамни юзга ва бўйин терисига ниқоб қилиб суртиб, 15 дақиқадан кейин илиқ сув билан ювиб ташланади.

3. Тарвузли малҳам. Бир қошиқ тарвуз суви, бир дона тухум сариғи,бир қошиқ майонез яхшилаб аралаштирилади ва юз терисига ниқоб қилиб сурилади ва 15 дақиқадан кейин илиқ сувда ювилиб ташланади.

Кейинги маслаҳатларда ёғли юз терилари учун уй шароитида малҳамлар тайёрлаш усуллари бўйича маслаҳатлар бераман.

Берган маслаҳатларим, даъволаш усулларим инсонларни янада бетакрор гўзал қилса, уларни чиройли ва соғлом юришларига фойда берса ўзимни бахтли ҳис қилар эдим.

Сизларга доимо сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаб, Ҳурмат билан,

Тошхожаева Мухтасар Абдуллаевна.
309-73-06, (тел. +7 953 146 21 40).

CONTACT

ПУЛ ЖЎНАТМАЛАРИ

МАРКА №1 В РОССИИ

ЎЗБЕКИСТОНГА ҲАМДА БОШҚА МДҲ ВА БОЛТИҚ ДАВЛАТЛАРИГА ТАРИФЛАР АРЗОНЛАШТИРИЛДИ

2012 йилнинг 1 июлидан 30 сентябрига қадар, Санкт-Петербургдаги РУССЛАВБАНК офисларида *CONTACT* орқали пул жўнатмаларига тарифлар янада арзонлаштирилди:

Сумма (USD/ EUR)	Комиссия
0 – 4 950	1,6%
4 950 – 10 000	79,2 USD/ EUR (1,6% – 0,8%)

Санкт-Петербургдаги РУССЛАВБАНК офисларининг манзиллари:
- Каменноостровский пр., 61/2 уй
- Бухарестская кўчаси, 6 уй, лит.А
- Энгельса пр., 115 уй, корп.1, лит.А
- Дыбенко кўчаси, 20 уй, корп.1, лит.С
- Непокоренных пр., 63 уй, корп. 26а, секция No202
- Софийская кўчаси, 6 уй, корп.6, лит.А

ёрдам ҳизмати 8-800-200-4242 www.contact-sys.com

Россия бўйича қўнғироқлар бепул

Янгиликлар

Омурбек Бабановнинг истеъфоси

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омурбек Бабанов 1 сентябрь куни расмий равишда истеъфога чиқди. Мамлакат президенти Алмазбек Атамбаев номига у Ҳукумат раҳбарлигидан озод этишини сўраб, хат билан мурожаат қилган.

Омурбек Бабановнинг таъкидлаб ўтишича, у сиёсатда қолади ва ўзи бошчилиги остида Қирғизистон Ҳукуматида амалга оширилаётган Ислоҳотларни охирига етказишда кўмаклашиш нияти борлигини маълум қилган.

Бу вақтда, Қирғизистон Президенти аппарати раҳбари Жанторо Сатыбалдиев республика бош вазири бўлишга умид боғламоқда, бу ҳақда у 1 сентябрь куни «Ата-Мекен» фракциясининг йиғилишида маълум қилган. Унинг нутқидан маълум бўлишича, у бир неча йиллар мобайнида Асар Акаев, Курманбек Бакиев ва Роза Отунбаевалар даврида ҳам ҳукуматда фаолият юритган. Унинг ҳисоблашича, сўнги йилларда мансабдор шахсларни аввалги президент даврида ишлаганликда айблаш ҳолатлари тобора оммавийлашиб бормоқда. Бу уларни касбий маҳоратини яна бир исботи ҳисобланади.

Жанторо Сатыбалдиев, партия бўйича ўз ҳамкасбларини ишонтириб ўтишича, агарда уни Республика Ҳукумати раҳбари этиб танласалар, унда у коррупция тизими билан фаол кураш олиб боришга ваъда берган. Шу жумладан сиёсий коррупцияга ҳам барҳам бериш лозимлигини ва сиёсий коррупция мамлакат равнақига катта салбий таъсир ўтказаётганлигини айтиб ўтган.

Ўш яқинидаги сув ҳавзасини қурилиш ишлари якунланди

Ўш яқинидаги Кен-Сай даҳасида қурилган сунъий сув омбори янги йирик микро туманни сув таъминоти билан тўлиқ таъминлаб беради. Ўш ва Жалол-Обод шаҳарларини тараққиёти ва қайта тиклаш бўйича Давлат дирекцияси матбуот хизматида маълум қилишларича, ушбу сув омборининг қурилиш ишлари қисқа вақт ичида якунланган.

Ўтган йили Қирғиз Республикаси ҳукумати Ўш шаҳри атрофидан якка ҳолдаги турар-жой уйларини қурилиши учун ер майдонлари ажратган эди. Мутахассисларнинг фикр билдиришича, бу чора тадбирлар аҳоли зич минтақаларда ижтимоий тангликни пасайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Қирғизистонлик дзюдочилар Мўғулистонда ўтказилаётган халқаро турнирда беллашадилар

Қирғизистонлик спортчилар Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда дзюдо бўйича жахон Кубогини қўлга киритиш учун куч синашадилар. Мусобақалар шу йилнинг 8-9 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Республика терма жамоасини шаънини 7 нафар дзюдочилар-6 нафар эркак ва 1 нафар аёл киши ҳимоя қилади. Шу жумладан, Жахон кубоги учун Лондондаги XXX чи Олимпиада ўйинлари иштирокчиси Юрий Краковецкий ҳам кураш олиб боради. Қирғизистон терма жамоасига бош мураббий Талантбек Дюшенбеков бошчилик қилмоқда.

Мўғулистонда ўтказилаётган ушбу Жахон кубоги рейтинг очколарини қўлга киритиш учун яхши имкониятлар беради, бу очколар Рио-де-Жанейро (Бразилия) да 2016 йилда ўтказиладиган Олипиада ўйинларига йўлланмани олишга йўл очиб беради.

Қирғиз мухожирлари учун ёрдам кўрсатиш марказлари очилади

Россия Федерациясининг Қирғизистон Республикасидаги Фавқулоддаги ва Мухтор Элчиси Андрей Крутько анжуманда маълум қилишича: «Россияда Қирғизистонлик мухожирлар учун ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил қилинади».

Элчининг сўзларига кўра, Қирғизистонда Россия фуқароларига яхши муносабатда бўлишлари учун, қирғиз мухожирларига Россияда муносабат яхши бўлиши керак. «Одамларни миллатига қараб ажратмаслик керак. Орадан йигирма йил ўтди, биз барчамиз бир давлат фуқаролари эдик, Қирғизистон фуқаролари ҳам бизларга қардош халқдир», -деб таъкидлаб ўтди Элчи. Шунингдек, дипломатнинг маълум қилишича,ҳозирги вақта Элчихона ходимлари Россия ва Қирғизистон фуқароларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ҳаракат қилишмоқда.

Дар Тоҷикистон Кодекси ҷадиди андоз пазируфта шуд

Палатаи поёнии парлумони Тоҷикистон Кодекси ҷадиди андозро пазируфт.

Ба ҳангоми муаррифии тарҳи нави Кодекси андоз, вазири молияи Тоҷикистон Сафаралӣ Наҷмиддинов зикр кард, ки кодекс дар таҳрири нав бо фармони президент омода шуда ва барои таҳияи он тибқи қарори ҳукумат як гурӯҳи корӣ таъсис шуда буд.

Барои омода кардани тарҳи нави Кодекси андози Тоҷикистон таҷрибаи Гурҷистон омухта шуда ҳамчунин машварати коршиносони Сандуқи байнаймилалии пул, Бонки осиёии рушд ва Бонки ҷаҳонӣ ба назар гирифта шудааст. Дар рафти таҳияи тарҳи Кодекси андоз аз ҷониби намояндагони тиҷорати хусусӣ бештар аз 4 ҳазор пешниҳод ворид шудааст, ки қисме аз онҳо мадди назар ҳастанд.

«Дар Кодекси ҷадид 229 модда, яъне 42 модда камтар аз кодекси қаблӣ мавҷуд аст, ки аз ин шумор номгӯи андозҳо аз 21 то 10 адад ихтисор шудааст», – афзуд Наҷмиддинов. Вазири молия иттилоъ дод, ки дар Кодекси ҷадид андозҳое мисли андоз аз савдои чакана, андоз барои истифодаи роҳҳои автомобилӣ бекор гардида, бо ин вуҷуд вай афзуд, қисме аз андозҳо мутаҳҳид кард шудаанд.

«Бо ҳадафи дастгирии истеҳсолкунандагони ватанӣ Кодекси нав воридоти ҳамаи намуди дастгоҳ ва технология ҷадид барои истеҳсоли молу хидматрасон ба кишварро аз андози арзиши иловашуда ва пардохти гумрукӣ озод мекунад. Ба ҷуз ин, корхонаҳои ватании коркарди пашм, пуст, маҳсулоти хоҷагии қишлоқ сарфи назар аз шакли идораашон дар муддати панҷ соли аввали ба кор пардохтанашон, аз супурдани ҳама намуди андоз озод мегарданд», – илова намуд Сафаралӣ Наҷмиддинов.

Freedom House аз ҲНИТ ҷонибдорӣ кард

Созмони ғайридавлатии амрикоии Freedom House оид ба «фишорҳои афзоянда ба ҳизбҳои мухолифи ҳукумати Тоҷикистон» ба вижа, ба Ҳизби Наҳзати Исломии Тоҷикистон изҳори ташвиш кард. Freedom House аз ҳукукмати Тоҷикистон даъват мекунад, ки таъқиби мухолифони сиёсии худро қатъ намояд.

Изҳороти мазкури Freedom Housebaъд аз он нашр шуд, ки Прократураи генералии Тоҷикистон як қатор айбҳоро алайҳи ҲНИТ эълон кард. Freedom House эълон медорад, ки ин амалҳо маънии «фаъолияти берунсозии рақибони ҳукуматро» дар пай дорад.

Санкт-Петербург барои муҳоҷирони тоҷик кор пешниҳод мекунад

Санкт-Петербург аз муҳоҷирони кории тоҷик даъват кард, ки дар корҳои сохтмонӣ ширкат варзанд. Дар наздиктарин фурсат 40 нафар тоҷикистонӣ метавонанд соҳиби кори доимӣ шаванд. Ин даъват дар доираи Созишномаи миёни «Тоҷикҳоричакор» ва ширкати русиягии «СПБ и ЛО» ба даст омадааст.

Барои кор дар сохтмон асосан хиштчинҳо заруранд. Дар ҳоли ҳозир оид ба ихтисоси мазкур интихоби муҳоҷирон идома дорад.

20 духтари маъюб ба омӯзиши дузандагӣ пардохтанд

20 нафар занон ва духтарони маъюб аз оилаҳои камбизоат ахиран ба омӯзиши дузандагӣ дар сехи дузандагии Маркази омӯзишии шаҳри Душанбе пардохтанд. Ин иқдом аз ҷониби Вазорати меҳнат ва ҳифзи иҷтимоии аҳолии Тоҷикистон сар задааст. Ин духтарон ба маҳзи хатми курсҳои омӯзишӣ дар ин марказ ба кор мепардозанд. Дар ҳоли ҳозир дар ин марказ дар як баст 25 намуди ихтисосҳо барои 250 нафар омӯзиш дода мешаванд.

Янги ўқув йили Мустақиллик дарсидан бошланди

Мамлакатнинг барча ўқув муассасаларида 3 сентябрь куни дастлабки қўнғироқ жиринглади. Мактабларда дарслар «Менинг тақдирим, менинг бахтим, қадрдоним, мустақил Ўзбекистон!» шиори остидаги Мустақиллик дарслари билан бошланди. Ўқувчиларга машғулотлар мобайнида яққол мисоллар ва намуналар орқали мустақиллик қанчалик муҳим аҳамият касб этиши, бу неъматни асраб-авайлаш ва қадрлаш лозимлиги, айни вақтда мамлакатда ёшлар учун яратиб берилаётган шароитлардан фойдаланиб, унга жавобан муносиб фарзанд бўлиб етишиши лозимлиги тушунтириб ўтилди.

Байрамона безатилган мактабларга маҳалла фаоллари, Республика диний маркази вакиллари, ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ва ота-оналар ташриф буюрдилар. Тонги соат 8 да барча мактабларда давлат мадҳияси ижро этилди. Ўзбекистон Республикаси байроғи баланд кўтарилди. Мактаб ўқувчилари турли куй-қўшиқлар айтиб рақсга тушдилар, жонажон ўлкаси, озод, ҳур, тинч-осойишта ҳаётимизни мадҳ этдилар. Тантанали йиғилишларда, ўзини кўрсатган, таълим жараёнларида инновацион технологияларни жорий этаётган ташаббускор ўқитувчиларга, шунингдек, фан олимпиадаларида фаол иштирок этаётган аълочи ўқувчиларга фахрий ёрликлар топширилди.

Жорий йилда мамлакатдаги мактабларнинг биринчи синфига беш юз мингдан ортиқ болажонлар билим олиш учун ташриф буюрдилар. Анъанага мувофиқ, ўқув йилининг биринчи кунида мамлакат Президентининг совғалари дарсликлар ва ўқув қўлланмалар топширилди.

Бир жуфт олтин медаллар

Россияда бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда дунёнинг ўндан ортиқ мамлкатларидан ташриф буюрган юздан ортиқ спортчилар рингда куч синашдилар. Ўн вазн тоифасида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақанинг олтин медалларини Ўзбекистон ва Россия терма жамоалари йўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

91 килограмм вазн тоифасида беллашган спортчилар орасида, бизнинг боксчи Мирзохид Абдуллаев мезбон вакиллари Арби Мадаевни 11:10, Мурод Далхаевни 16:6, Александр Караказянни 11:5 ҳисоби билан мағлубиятга учратиб, мусобақа финалига чиқишга муяссар бўлди. Ҳал қилувчи финал босқичида ватандошимиз мезбонлар вакили Шамиль Маташев билан жанг олиб бориб, 12:9 ҳисобида ғалаба қозонди ва мусобақа шохсуппасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

49 килограммгача вазн тоифасида ринга тушган яна бир ватандошимиз Хасанбой Дўстматов, ўз рафибларини катта очколар ҳисоби билан ер тишлатиб, мамлакатимиз терма жамоаси ҳисобига олтин медал олиб келди. Мусобақани чорак финалидан бошлаган ушбу боксчи ҳамюртимиз Латвиялик Дмитрий Захаровни-18:3, Россиялик Батор Саголуевни-18:9 ҳисоби билан мағлубиятга учратди. Финал босқичида эса, Беларусиялик Цирен Бадмаевни иккинчи раунда ер тишлатиб, вақтдан олдин халқаро мусобақанинг энг олий соврини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

2030 йилга қадар Тошкент шаҳрида транспорт ва экологик ҳолатни янада яхшиланади

Табиатни мухофаза қилиш бўйича Тошкент шаҳар Қўмитаси Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофи ҳудудларини 2030 йилга қадар реконструкция қилиш Бош режасинини баъзи бир техник-иқтисодий деталларини янгилади. Бунда биринчи навбатда 2020 йилга қадар қурилиш ишларика катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳужжатда пойтахт ва уни атрофидаги ҳудудларни тараққий эттиришнинг истиқболли муҳим параметрлари ва принциплари, асосларини ўз ичига олади.

Бош режага асосан, Тошкентда шаҳар ҳудудини янада кенгайтириш назхарда тутилмоқда, бунда ушбу ҳудуд 418 кв. км гача кенгайтирилади (ҳозирги вақтда пойтахт ҳудуди шаҳар ҳокимиятининг маълумотларига қараганда 334,8 кв. км ни ташкил қилади). Пойтахтга қўшилиши режалаштирилаётган ҳудудлар-булар шаҳар атрофидаги маълум бир туманлар ҳудудлари бўлиб, бу жойлар айни вақтда шаҳар ташқариси ҳисобланади. Бундан ташқари, пойтахт ҳудуди, шаҳардан ташқарига йирик қурилиш ва автотранспорт корхоналари ва заводларини чиқарилиб юборилиши эвазига ҳам кенгайтирилади.

Бунда алоҳида эътибор Тошкент транспорт инфраструктураси тараққиётига қаратилади. Шу билан биргаликда шаҳар бош режасида транспорт тармоғини янада ривожлантириш назарда тутилган, унга кўра шаҳар маркази орқали ўтадиган транзит серқатнов магистраллар шаҳар четига чиқарилади, бу билан шаҳар ичида транспортлар тирбандлигини ҳам камайтириш имконияти туғилади. Бундан ташқари, мутахассисларнинг фикр билдиришича, шаҳар кўкаламзорлаштириш учун етарли ер майдонларига эга эмас. Кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар шаҳар ҳудудида нафақат атроф муҳитни, атмосферани турли чиқиндилар ва газлар тозалаш имконияти беради, балки шу билан биргаликда мелиоратив вазифани ҳам бажаради. Шаҳар ҳудудида кўкаламзорлаштирилган сайлгоҳлар, истироҳат боғлари барпо этилади.

Очиқ кутубхоналар транспорт бекатларида ва метроларда пайдо бўлади

Жамоа жойларида кичик ўқув заллари сентябрь ойига келиб ишга туширилиши керак. Очиқ осмон остидаги дастлабки полкалар истироҳат боғларида, метроларда ва ер усти транспорти бекатларида ўрнатилади. Бу лойиҳа «Очиқ кутубхона» ғояси доирасидаги тўртта лойиҳалардан бири ҳисобланади. Уларнинг ишлаш тартиби, Елагин оролидаги ва «Янги Голландия» даги очиқ осмон остида жойлашган кутубхоналар сингари бўлади. Бу ерда жойлашадиган китобларни китобхон чиптасисиз ва паспортсиз олиш мумкин бўлади. Китон ўқиб бўлинганидан сўнг, шаҳарнинг бошқа нуқталарида жойлашган шунга ўхшаш бошқа полкаларга қўйиш мумкин бўлади. Очиқ кутубхоналар фонди шаҳарлик китобхонлар ва кутубхоналар томонидан ҳадя этилган китоблар эвазига тўлдирилади.

Шаҳарда «Очиқ кутубхона» лойиҳаси икки йилдан буён фаолият юритмоқда, ҳозирги вақтга келиб ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлана бошланди. Бу лойиҳадан кўзланган бош мақсад-кутубхоналар имиджини ўзгартириш ва оммавийлаштириш, аҳоли учун қулай бўлган жойларда ташкиллаштиришдан иборатдир. Ушбу лойиҳага, айни вақтга келиб, йирик кутубхоналардан тортиб, шаҳарнинг кичик кутубхоналари ҳам қўшилмоқда.

Метрода йўловчилар учун йўриқномалар ўзгача кўринишда жиҳозланади

Ҳозирги кунга қадар, шаҳар метрополитени бекатларида ва вагонлардаги йўловчилар учун «Метрополитенда ўзини тутиш қоидалари» ёзилган йўриқномалар узун, рақамланган кўринишда бўлиб, бошқа реклама тахталари орасида ончалик кўзга ташланмас эди. Йўриқномаларни ўзгача кўринишда жиҳозланиши, эндиликда йўловчилар диққатини кўпроқ ўзига жалб этиши ва хавфсизлик кўпроқ таъминланишига умид боғланмоқда. Рухсат берувчи ёки таъқиқловчи белгилар яқин орада метро бекатларида қўлланила бошланади.

Йўлловчилар учун йўриқномалар пиктограммалар билан тўлдирилади. Бундай қилинишининг сабаби, аввалги майда ёзилган ёзувларни йўловчилар ўқимас эдилар, эндиликда пиктограммалар ёрдамида кўзга ташланувчи жойга ўрнатиладиган йўриқномаларни йўловчилар бемалол ўқиш икониятига эга бўладилар. Йўриқномларда келтириладиган суратлар рухсат берувчи ёки таъқиқловчи мазмунга эга бўлиб, метрода ўзини тутиш қоидаларидан иборат бўлади. Пиктограммалар билан бўлган плакатлар ахборот тахталари, шаҳар харитаси ва метро схемалари олдига осиб қўйилади. Суратларда чизилган қаҳрамонлар ичида-одам-схема, вагон метро, роликли конькилар, одам бош суяги, сигарет ва ҳаттоки розеткали санчқиларни ҳам кўриш мумкин бўлади.

Эртага шаҳарда саёҳатий ретротрамвай йўлга туширилади

Куз ойларида шаҳар маркази бўйлаб саёҳатий ретротрамвай ҳаракатланишни бошлайди. 1920 йилда ишлаб чиқарилган, қайта таъмирдан чиққан трамвайда йўл ҳақи 50 рублга тенг бўлиб, бутун йўл давомида саёҳатчилар Петербургнинг электр транспорти тарихидан қизиқарли маълумотларни сўзлаб боради. Ушбу трамвай Василеостровскийдаги электр транспортлари Музейи қаршисидан йўлга тушиб, шаҳарнинг марказидаги метро бекатлари бўйлаб ўтади ва Тургенев майдонига қадар ҳаракатланади. Рейслар 1 сентябрдан йўлга қўйилди. Ретротрамвайлар ҳафтанинг дам олиш кунларида кунига икки маротаба саёҳатни амалга оширади. Ҳаракатланиш соатлари биринчиси 11:30 дан соат 13:00 га қадар, иккинчиси эса соат 14:00 соат 16:00 қадар саёҳат уюштиради. Бу трамвайларга ҳоҳлаган бекатда ўтириш мумкин бўлади.

Шаҳар бўйлаб МС серияли 1920-чи йилда ишлаб чиқарилган трамвайлар ҳаракатланади. Қамал даврида ҳам шаҳар бўйлаб айнан шундай трамвайлар ҳаракатланган.

Саёҳатий ретротрамвайлар фақатгина сентябрь ва октябрь ойлаларида ҳаракатланади: бу трамвайларни йўлга қўйилиши Петербургда трамвай қатновларининг йўлга қўйилганлигини 150 йиллигига бағишланади. Аммо «Горэлектротранс» да маълум қилишларича, агарда бу лойиҳа шаҳар аҳолисига ва сайёҳларга ёқадиган бўлса, унда келгуси мавсумнинг апрель ойидан бошлаб октбярь ойига қадар бундай саёҳатлар йўлга қўйилиши мумкин.

«Ижод куртаклари» танлови

Азиз муштарийлар «Ижод куртаклари» танлови давом этмоқда. Газетамиз таҳририятига ҳар куни ўнлаб мактублар келиб тушмоқда. Қувонарли ҳолат шуки, танловда иштирок этиш истагини билдираётган муштарийларимиз дунёнинг турли бурчакларидан топилмоқда. Танловда фаол иштирок этаётган ва ўз қаламига мансуб шеър ва асарларни юбораётган муштарийларимизга алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.
Ушбу сонда навбатдаги иштирокчилардан бири билан сизларни таништириб ўтамиз.

Маълумотнома: Жапаков Мирза Кадирович, 1970 йилда Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Гурлан туманида туғилган. Ҳуқуқшунос журналист. Икки нафар ўғилнинг отаси. Ўзбекистонда истиқомат қилиб, фаолият юритади. Мухожирлар қисмати доимо диққат марказида. Мирза Кадирович бўш вақтларида турли ҳаётий ҳикоялар, эсселар ёзиш билан шуғулланади. Қуйида ушбу қаҳрамониз қаламига мансуб эсселардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.



«ЕТИМЛИК НЕЛИГИН БИЗЛАРДАН СЎРА...»
(бу воқеа турғунлик даврининг сўнгги йилларида содир бўлганди)

СССР давлати инқирозга учраб, сўнгги кунларини бошидан кечираётган оғир пайтлар эди. Ўшанда бу болани бозорда учратгандим. У мева-чева сотаётган тоғасига ёрдамлашар, меваларни тарозида чаққон тортиб, харидорларнинг берган пулларини санаб дарҳол тоғасига узатарди. Мўйлови эндигина сабза ураётган бу йигитчани яхши танирдим. У кичкиналигидаёқ отаси қазо қилган, ёшгина ойиси эса катта акаси билан синглисини олиб бошқага турмушга чиқиб кетган, ўзидан катта акаси билан иккаласи бувисининг қўлида қолганди.

Тоғаларининг сўкиш-у дашномларини эшитиб, етимликнинг барча хўрликларини бошидан кечирган бу болакайнинг кўча болаларига қўшилиб безорилик қилиб юрмай тоғасига ёрдамлашиб меҳнат қилаётганини кўриб қувонардим.

Эртаси куни автобус бекатида уни яна учратдим. Ёнида ойиси билан кетган катта акаси ҳам бор эди. Ўриндиқда ерга киргудек бўлиб ўтирган бу ака-укаларнинг ҳоли шунчалик тушкун эдики, беихтиёр тўхтаб улардан ҳол-аҳвол сўрадим. Улар хушламайгина жавоб қайтардилар. Уларнинг изтироб чекаётганликлари шундоқгина кўзларидан билиниб турарди. Бунинг сабабини синчкилаб сўрадим.

-Тўғриси, эллик сўм тополмай ўтирибмиз,-деди етимчалардан кичкинаси,-Кимдан сўрашга ҳам ҳайронмиз. Энамдан сўрай десак пенсияси бизларни боқишга ҳам етмайди. Ойимдан эса...

-Кеча тоғанг билан мева сотаётган эдинг-ку, у пул бермадими?-сўрадим ундан.

-Озроқ пул берди, яна эллик сўм керак.

-Ахир бугун ҳам тоғангга ёрдамлашсанг пул берарди-ку.

-Тўғри, лекин бозорда милисалар юрибди-да.

-Милиционерларнинг сотувчилар билан иши бўлмаса керак. Айтмоқчи, пулни нима қилмоқчисан?

Менинг бу саволим уни бир оз шошириб қўйди. Бир ерга, бир акасига қараганча жавоб беришга қийналарди. Афтидан у нимадандир хавфсирарди. Буни сездимда, қўрқмай айтавер, ҳеч кимга айтмайман, дедим.

Шундан кейин унинг юзи сал-пал ёришди.

-Кеча меваларни сотиб бўлиб тоғам билан тўғри уйга кетдик. Уйга бориб чой ичиб ўтирган вақтда бир бола келиб мени жўрамлар чақиришаётганини, улар йўл бўйида кутиб туришганини айтди. Чойни ичиб бўлмасдан ҳалиги бола билан кетдим. Қарасам йўл бўйида жўрамлар эмас,милиционерлар кутиб туришган экан. Улар мен билан яхшилаб ҳол-аҳвол сўрашди. Кейин машинага чиқишимни айтди. Машинага ўтиргач улар мени тўппа-тўғри бозордаги ошхонага олиб келдилар. Биттаси бир шиша вино топиб келди. У бир косага солиб менга узатди. Мен умуман ичмаслигимни айтдим.

-Ўғил бола деган ичиб туриши керак, бир коса зарар қилмайди,-деди биттаси.

Улар менга ичириб бир ишни бошламоқчи эканлигини сезиб «ичмайман», дея оёқ тираб олдим.

Шунда биттаси бошимга бир мушт туширди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Улар барибир ичирмасдан қўймаслигини билиб бир коса вино ичдим. Шундан кейин ҳаммаси кинолардагидек юз берди. Улар дарҳол қўлларимни орқага қайириб катта бир жиноятчини ушлагандек машинага тиқиб олиб кетишди. Қарасам касалхонага келиб қолибмиз. Менинг ҳақиқатдан ҳам ичганлигимни врачлар тасдиқлагач тўғри суд биносига олиб келдилар. Ҳа, айтганча, улар йўлда оёқ кийимимни ечиб олиб улоқтириб юборгандилар. Яланг оёқ суд биносига киришга уялдим. У ерда мени каттагина хонага олиб кирдилар. Хонада ёши бизлардан анча катта иккита қиз ва бир киши бор эди. Суд раиси бўлса керак. У қизларга савол берар, улар эса бир-бирига гап бермай чуғурлашарди.

-Безорини тутиб олиб келдик,-деди хонага киргач милиционерлардан биттаси.-Мана ҳақиқатдан ҳм ичганлиги тўғрисида врачнинг қоғози.

-Уни ялангоёқ дегандинглар-а?,-деди у қизларга юзланиб,-Мана оёғида ҳеч нарса йўқ, ялангоёқ.

Қизлар бир афтимга, бир оёғимга, бир суд раисига қараб ҳайрон бўлиб ўтирардилар.

-Истироҳат боғи олдида, маст ҳолда сизларга осилган ялангоёқ бола шумиди?,- деб сўради суд раиси қизлардан.

Биттаси елкасини қисди, иккинчиси эса оёқларимга тикилиб турди-да:

-Шу, шу! Оёғида ҳеч нимаси йўқ эди. Ҳе қизларга осилмай бир қарич ипга осилгур!-деди.

Милиционерлар бўйнимдан қисиб турар, хўрлигим келганидан томоғимга бир нарса тиқилгандек овозим чиқмасди. «Ўша безори мен эмасдим, бугун бозордан бошқа ҳеч қаёққа чиққаним йўқ, сизларга осилган мен эмасман», деб айта олмасдим.

Ҳалиги киш қоғозга бир нарсаларни ёзди-да, менга қўл қўйишимни айтди.

-Юз сўм жарима, фақат жарима билан қутилганингга шукр қил. Энди бундай қилмагин,-деди у юмшоқлик билан.

-Шу куни,-дея гап бошлади унинг акаси,-Мен ҳам бозорда юргандим. Таниш бир бола ёнимга келиб четроқда биров чақираётганини айтди. Унга ҳозир бораман, дедимда дарров уйга жўнадим. Уйга ҳам бир-икки марта боришди. Лекин мен чиқмадим. Чунки бундай чақириқлардан оз-моз хабарим бор, аввалари ҳам бир-икки маротаба чақириб илинтирмоқчи бўлгандилар. Аммо улар менинг ўрнимга энамнинг қўлида қолган катта укамнинг «бошини еб» тиндилар. Энди эса бунга ўтибди. Буни чақиришларини билганимада шу куни ўзим чиқардим. Ўлдириб юборсалар ҳам винони ичмасдим. Менку бир амаллаб қутиларман. Лекин буни бугун осилди, деб туҳмат қилсалар, яна бир кун номусга тегди деб ёки ўғирликда айблаб қаматиб юборишлари мумкин...

Шу пайтда уларнинг кўзларида мужассам бўлган бир-бирини тўлдириб уйғунлашиб кетган изтиробни, дардни, аламни, ташвиш-у тушкунликни сўз билан ифодалаш қийин эди. Уларга нима деб таскин беришни, нима деб кўнглини кўтаришни билмасдим.

-Ўша милицонерларни кўрсанг танийсанми,-дедим кичкинасига қараб.

-Ҳа танийман. Бошингизга муштлаб, оғзинггизга вино қуйишса сиз ҳам уларнинг башараларини ҳеч қачон унутмасдингиз. Мен уларни ўлгунча эсимдан чиқармайман.

-Энди нима қилмоқчисизлар?

-Эллик сўм топишимиз керак, жаримaнинг қолганини тўлашга,-деди каттаси. Лекин пулни қаердан оламиз? Бозорга чиқишга қўрқамиз, ўғирлик қилсак қамаб қўйишади. Ёки қочиб кетсакмикан? Аммо қаерга борамиз?!

...Хўш, улар нима қилсинлар? Ота дийдорини кўрма, она меҳрига қонмай етимликнинг бутун машаққатини бошидан ўтказиб кун кечираётган яратганнинг бу ожиз бандалари бошини қайси деворга урсинлар.

«Етимлик нелигин бизлардан сўра», деганди раҳматли шоиримиз Ғофур Ғулом. Етимликнинг миллати ҳам, дини ҳам, даври ҳам бўлмайди. Улар қайси давр, қайси жамиятда яшамасинлар барибир кўнгли ярим, ота-она меҳрига зор бўлиб ўтадилар. Аммо шоир яшаб ўтган даврнинг етимлари миршаблардан қўрқиб бозорларга чиқолмай пана-панада пусиб юрганмиканлар. Ўша даврнинг миршаблари ўғри-ю, безорилар бир ёқда қолиб етимнинг бошида таёқ синдирганмиканлар. Ўша даврнинг адолат пешволари-қози бувалар бир парча қоғоз-у, икки оғиз гапга ишониб етимнинг устидан ҳукм чиқариб юборавергaнмиканлар??? Ўша даврнинг одамлари...

Аслида етимлик нелигини чорраҳа ёнидаги бекатда мунғайиб ўтирган мана шу етимчалардан сўраш керак. Эллик сўм ҳам топилар, жарима ҳам тўланар. Хўш, кейинчи, кейин?..

...Орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтди. Яқинда ўша йигитчани яна учратдим.

«Санк-Петербург – Ургенч» йўналишидаги самолётда учиб келган дўстимни кутиб олар-канман, йўловчилар орасидан башанг кийинган, басавлат нотаниш йигит югуриб чикдида, мени қучоқлаб даст кўтарди.

-Бир кун келиб сизни учратишимни, ўшанда олган эллик сўм қарзимни қайтаришимни билардим, лекин бу қарзни пул билан ўлчаб бўлармикин?-деди у.

Уни кўзларидан танидим. У шу кунларга етганига шукр қилар, кўзлари қувончдан порлар, аммо бу кўзларнинг туб-тубида ўша йилларнинг, етимликнинг машъум асоратлари ҳамон мужассам эди...

Мирзабек ЖАПАКОВ,
ҳуқуқшунос журналист.

«ШАҲАР ЖАМҒАРМА МАРКАЗИ» КРЕДИТ ИСТЕЪМОЛ КООПЕРАТИВИ

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!
Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5 % қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?
Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63
Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати.
Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).
«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.
Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Ҳамюртларга ёрдам

Иш ва маош

Газетамизнинг бугунги сонида биз сизлар билан ишчи ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни мухокама қилмоқчимиз. Агарда сиз ишга жойлашаётган бўлсангиз, иш берувчи ташкилот билан албатта меҳнат шартномасини имзолаш лозим. Бу меҳнат шартномасида сиз ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сизнинг маошингиз миқдори, жавобгарлик шартлари кўрсатиб ўтилади. Бу ҳужжат сизнинг қонуний ишлашингиз кафолатидир.

Моҳира Нармахматова ўтган йили Санкт-Петербург шаҳрига, Сурхондар-ёдан ишлаш мақсадида келади. 2012 йилнинг 20 ноябрь куни шаҳардаги ташкилотлардан бирига қадоқловчи бўлиб ишга жойлашади. Моҳира Санкт-Петербург шаҳрига келганидан сўнг қонунга мувофиқ, миграцион ҳисобга туриб, Федерал Мухожирлик хизмати Бошқармасидан ишлаш рухсатномасини олади. Шу боисдан ҳам, мақоламиз қаҳрамони ўша вақтда қонунни барча талабларини тўлиқ бажаради.

Моҳира ушбу фирмада 2012 йилнинг май ойига қадар меҳнат фаолиятини олиб боради. Кейин ишдан бўшашга қарор қилади. Гап шундаки, бу даврда, яъни май ойида унга апрель ойи учун маош бермайдилар. У ишлаётган фирма молиявий қийинчиликларга дуч келган даврда бўлади. Шу тариқа Моҳира ишдан бўшайди. Бунга уни албатта тўлиқ ҳақи бор. Агарда ишчи ишдан бўшашни истаса, бунга унинг тўлиқ ҳуқуқи бор албатта. Бироқ муаммо шундаки, Моҳира ишдан бўшаши тўғрисида иш берувчини олдинроқ огоҳлантириши лозим эди. Чунки у ишлаётган ташкилотдан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, қадоқловчи ишга чиқмаса маҳсулотларнинг қадоқланиши тўхтаб қолади. Ҳар куни белгиланган миқдордаги маҳсулотлар қадоқланмаса, табиийки сотиш учун магазинларга жўнатилмайди. Натижада ташкилот зарар кўриши мумкин. Шу боисдан ҳам, Моҳира ташкилот билан меҳнат шартномаси тузишда, ишдан кетишидан аввал икки ҳафта олдин огоҳлантириши тўғрисида келишиб олинган эди. Шарт-номадаги бу банд, агарда ишчи ишдан бўшайдиган бўлса, унинг ўрнини босувчи бошқа ходим қабул қилиш муддати бўлишлигини кўзда тутади.

Бироқ Моҳира меҳнат шарт-нмосининг ушбу бандини бажармайди. Ишдан кетишдан аввал иш берувчиниогоҳлантирмайди. Ишга чиқиши керак бўлган куни, ишга чиқмайди. Натижада ташкилот зарар кўради. Шу боисдан ҳам мақоламиз қаҳрамонига май ойи ҳамда апрел ойи учун маошини беришдан бош тортадилар.

2012 йилнинг 21 августида Моҳира Нармахматова Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Ишлаб топган пулларини олишдан умидини узмайди. Фоннинг ҳуқуқий ишлар бўйича мутахассиси Элёр Таштемиров у ишлаган ташкилот раҳбарига қўнғироқ қилиб, Моҳира масаласи бўйича суҳбатлашади. Қонун нуқтаи-назаридан мухожирга ойлик маошини тўлашлари шартлигини тушунтиради. Ташкилот раҳбари бу қонуний талабни бажаришга розилик билдиради. Бироқ ташкилот раҳбарининг таъкидлашича, Моҳирага маош берилаётган вақтда, белгиланган вақтда огоҳлантирмасдан ишга чиқмаганлиги боис маълум миқдорда жарима ушлаб қолинади. Бу шартномадаги шартларда бири бўлганлиги боис, ташкилот раҳбарининг шарти ҳам қонунийдир. Натижада Моҳира жарима ундирилган ҳолда, ойлик маошини олишга муваффақ бўлди. Фонд ходимининг маҳорати туфайли бу муаммо тинчлик йўли билан ҳал қилинди.

Ҳурматли муштарийлар, бу ҳаётий воқеаларни сўзлаб беришимиздан кўзлаган ягона мақсадимиз, бу ҳолатлардан сизлар ўзларингизга тегишли хулоса чиқаришингиз ва дарс олишингизга эришишдир. Ўз ишингизни билиб, виждонан ишланг. Ана шундагина обрў-эътибор қозонасиз, ўйлаган мақсадингизга эришасиз. Агарда ишдан бўшашни режалаштираётган бўлсангиз, бироз олдин раҳбарларни огоҳлантириб кўйганингиз мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, ишга жойлашаётган вақтда меҳнат шартномасининг барча шартларини диққат билан ўрганиб чиқинг ва иш давомида уларга риоя этинг. Фақатгина пул ишлаб топишни кўзламанг, бундан ташқари шахсий хавфсизлигингиз, меҳнат мажбуриятларингиз ва жавобгарлигингизни ҳам инобатга олинг. Агарда меҳнат фаолиятингиз мобайнида тушунмаган саволларга дуч келсангиз, ёки қийинчиликлар пайдо бўлса, ҳеч иккиланиб ўтирмасдан Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига мурожаат қилишингиз мумкин. У ерда сизларга албатта бепул ёрдам берадилар. Фондда кўрсатилаётган хизматлар бепул бўлиб, ҳеч қандай ҳақ талаб қилинмайди. Ўзга юртда маҳаллий қонун ва қоидаларга риоя этсангиз, анча кўнгилсизликларни олдини олган бўласиз.

Ксения Сомова



Ёдда тутинг: агарда сиз ишга жойлашаётган бўлсангиз, унда албатта иш берувчи ташкилот билан меҳнат шартномасини имзоланг!

Меҳнат шартномасининг мажбурий шартлари:

- **Иш жойингиз манзили (фирма ёки қурилиш манзили);**
- **Сизнинг меҳнат вазифаларингиз (айнан нима иш қиласиз);**
- **Ишни бошлаш вақти (биринчи иш кунингиз);**
- **Меҳнатга ҳақ тўлаш шароитлари (маош ойига бир маротабами ёки ҳафтада бир маротабами, ёки кунигами, ёки ишни бажарилганидан кейинми);**
- **иш вақти ва дам олиш вақти (иш кунлари, келиш ва кетиш соати, тушлик вақти);**
- **Ишни алоҳида шароитлари учун қўшимча тўловлар (агарда хавфли жойларда ишласангиз, соғлиққа зарар етказувчи заводларда ишласангиз);**
- **Иш тавсифини белгилаб берувчи шароитлар (фақат бир жойда ишлашингиз керакми ёки бутун шаҳар бўйлаб ишлайсизми);**
- **Мажбурий ижтимоий суғурта тўғрисида шартлар (бетоб бўлиб қолсангиз, қўшимча пул бериладими ёки йўқми);**
- **меҳнат қонунчилигидан кўрсатиб ўтилган бошқа шартлар.**

Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда, шу жумладан:
  - меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
  - ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда.
- иш берувчи маош бермаса
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- моддий ва маънавий қийин аҳволга тушиб қолган бўлсангиз
- Қарз маблағи олишга кўмаклашиш
- муносиб турар-жой топиш
- тиббий ёрдам олиш

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- ўзбек ва тожик муаллимлари иштирокидаги рус тили машғулотлари
- маданий хордиқ ва хайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анжуманлар


Ҳамюртлар сизларни Петербургда қонуний ва фойдали яшашингизга кўмаклашадилар

Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: “Пролетарская” метро бекати, Обуховская оборона пр-ти, 116-уй, 26-чи офис (арка орқали кирилади, “Кард Экспресс” ёзувини мўлжал қилинг)

Телефон: **(812) 309 73 06** Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Муштарийдан хат

Сиз ўшами?! Еҳуд замонавий «Кумушбиби» лар ҳақида

Тақдир тақозоси билан Санкт-Петербург шаҳрига тирикчилик ташвишида келишган опа-сингиллар тўғрисида ҳар қанча яхши-ёмон гапни кўп ва хўб ёзиш мумкин.

Аввало юрагимдан отилиб, оппоқ қоғозга муҳрланадиган аччиқ танбеҳларим учун кечиргайсизлар, азиз аёллар! Тушунаман, сизлар оилаларимиз фаришталари, ҳаётимиз мазмуни ва гултожисизлар. Шаънингизга бирор ёмон сўз айтмоқни, ёзмоқни асло истамаган эдим. Мусофир юртда ишлаш мобайнида нохуш ҳолатларни, кўз кўриб қулоқ эшитганидан сўнг, чуқур ўйга чўмар экансан.

Жаннатмакон юртимизнинг уйғоқ фарзанди сифатида айрим юртдош аёлларимизнинг хатти-ҳаракатларига ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришимни зарур деб билдим. Кузатишларим давомида шунга амин бўляпманки, Ўрта Осиёлик юртдошларимизнинг айримлари кийинишда, ўзини тутишда ўзликларини унутиб қўйишмоқда.

Шаҳар кўчаларида баъзи хотин-қизлар сочларини кесиб, сариққа бўяб, ярим-очиқ кийиниб юришларига кунда гувоҳ бўляпмиз. Очиқ тан олиш керакки, бунга аллақачон кўникиб ҳам кетганмиз. Худди аввалдан шундай бўлгандек. Ахир сизлар кўйлаги ерни ўпиб, сочлари белга тушадиган шарқ аёлларининг фарзандлари эдингиз-ку?! Наҳотки шуни қисқа фурсат ичида унутган бўлсангизлар. Уят! Жуда ҳам уят! Сизларга рўппара келганда юртдош эканлигимдан ҳижолат бўляпман. Яқинда ўзим гувоҳ бўлган воқеа: метрода кетаётиб, ёнимда ўтирган аёлдан русчалаб гап сўрадим. У маҳаллий халққа ўхшаб кийиниб, сочини алламбало ранга бўягани учун адашибман. Гапимга ўзбекчалаб жавоб қайтарган эди, ҳайратдан қотдим.

Хассос адиб Абдулла Қодирий таъриф этган Кумушбиби, Раъноларни топиш илинжида атрофни кўп кузатамиз. Кўзимизга фақат замонавий «Кумушбиби»лар кўринади холос. Кайфиятингиз тушиб , кўнгил хижил бўлади.

Изҳор этилаётган ўз фикру-мулоҳазаларим билан бу ерда қонуний ҳалол ишлаб, яшаётган аёлларни ҳам бирдек қора демоқчи эмасман. Шарқ аёлига хос кийиниб, ўзини муносиб тутиб, шаҳарликлар эътирофига тушаётганлар ҳам кўп.

Кўз юмиб бўлмас яна бир ҳақиқат. Сигарет чекиб, пиво, ароқни чойдек симирадиган жувонлар қаёқдан пайдо бўлди? Алҳазар, бундайлар олдида шайтон ип эшолмайди-я. Ўзини Салимахон деб таништирган аёл шундай дейди: -ҳар ҳафта «земляклар» тўпланиб, дам оламиз. Турли егуликлардан ташқари, кимдир пиво, яна кимлардир ароқ ичишади. Сигарет чекадиганлар ҳам топилади. Кайфи ошиб қолиб, бир-бири билан ўзаро жанжаллашиб қолган ҳолатлар ҳам бўлган.

Ана холос, азиз юртдошлар, бунисига нима дейсиз?! Шарқ аёлига хос назокат билан, ибо, ҳаё қаёқда қолди. «Узоқ юртдаман, нима қилсам бўлаверади. Ким билиб ўтирибди»- деб ўйлаганлар қаттиқ янглишади. Кўза кунда эмас, кунида синади.

Йиллар ўтаверади. Вақти келиб, ватанга борганда, ота-онанг, оиланг, қариндош-уруғларинг олдида юзинг шувут бўлмайдими?! Ачинарлиси, ана шунақалар ҳеч нарса бўлмагандек, юртида ҳам ҳеч кимга гап бермасдан юраверишади. Аёл макри – қирқ эшакка юк бўлиши, мана шундай бўлса керак-да. Яна бир чидаб бўлмас, кузатилаётган ҳолатлардан бири бу-**зинодир**. Мусулмончиликда ўз жуфти-ҳалоли билан яқинлик қилиш буюрилган. Эркагу аёлга бегона билан жинсий алоқада бўлиш қатъий таъқиқланган, катта **гуноҳи-азим** саналади.

Айрим аёлларимизни фаҳшга ботишаётгани бор гап. Уларни кундузгими ёки тунгими капалаклар деб атаймиз, нафс йўлида танларини сотишмоқда. Билишимча, баъзи жувонлар етти ёт эркакларга вақтинча хотин бўлиб, бирга яшашмоқда. Яна бир бошқа тоифаси эса йигитларга «дам олишни» таклиф этишмоқда. Ҳақиқатни кўзига тик боқиш керак. Гуноҳкор жувонларни нима деб атаса бўлади. Улар бундай қилмишлари билан нафақат катта гуноҳ содир этишмоқда, балки шу билан биргаликда, турли юқумли касалликларга чалиниб, охир-оқибат ватандаги турмуш ўртоғини ёки фарзандларини ҳам келажагига нуқта қўйишлари мумкин.

Такрор айтмоқчиман, гувоҳи бўлаётган воқеаларни баён этишдан мақсад, кимларгадир қора лой чаплаш эмас. Аксинча, Шарқда мўътабар ва азиз саналган аёлларимиз шаънини сақлашдан иборатдир. Бунинг учун ҳар биримиз юриш-туришда, ўзаро муносабатда, одобахлоқда, қонуний меҳнат фаолияти юритишда бир-биримизга ҳамиша ўрнак бўлишимиз ва Ватанимиз шаънини кўтаришимиз керак. Ана шундагина биз ўйлаган эзгу-ниятларимизга ҳалол йўл билан эришган бўламиз. Сиз ўшаму?! – дея бир-биримизга ҳайрат ва тассуф ила тикилмаймиз.

Юртдошим, фикримга қўшиларсиз!?

Бахтиёр Жолчуев

"Сиз ўшаму?"

НСТ "Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди"га юристлар, таржимонлар (ўзбек, тожик, қирғиз тилидан) журналистлар ва кўнгилли (волонтёр)лар ишга таклиф этилади. Қабул танлов асосида амалга оширилади. Рус тилини билиш талаб этилади. Шунингдек, ўзбек, тожик, қирғиз тилларини билиш, ҳамда меҳнат мухожирлиги соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши маъқулланади. МДҲ давлатлари фуқаролари ҳам қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 8 (812) 309-73-06